

УЎК: 339.187.62

ЛИЗИНГ ХИЗМАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ СУБЪЕКТИВ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

Латипова Шаҳноза Маҳмудовна,
ўқитувчи, «Молия ва суғурта хизматлари» кафедраси

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Аннотация. Бугунги кунда молия бозорида инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришида бошқа муқобил усуллардан фарқли равишда лизинг хизматлари самарадорлигини баҳолашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш долзарб масала бўлиб ҳисобланади. Лизинг механизми орқали асосий воситаларни модернизациялаш учун инвестициялар ҳажмини ошириш, унинг имкониятларини янада кенгайтириш ушбу фаолият самарадорлигини баҳолаш орқали таъминланади. Шу сабабли лизинг операцияси барча иштирокчилари учун ушбу хизмат турининг самарадорлигини аниқлаш усулларини қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақоланинг мақсади сифатида белгиланди. Ушбу мақсадга эришиш учун лизинг операцияси ҳар бир иштирокчиси учун асосий воситаларни молиялаштириш усуллари сифатида кредит ва лизингдан фойдаланишда кузатиладиган пул оқимлари таҳлил қилинди. Шунингдек, корхоналарни модернизациялашга молиявий ресурсларни лизинг орқали жалб қилишнинг методологик жиҳатларини баҳолашнинг комплекс тизими таклиф этилди.

Таянч тушунчалар: лизинг, лизинг самарадорлиги, пул маблағлари кирими, пул маблағлари чиқими, лизинг рентабеллиги, иқтисодий самарадорлик, комплекс баҳолаш.

МЕТОДЫ СУБЪЕКТИВНОЙ ОЦЕНКИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ЛИЗИНГОВЫХ УСЛУГ

Латипова Шаҳноза Маҳмудовна,
преподаватель кафедры «Финансовые и страховые услуги»

Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация. На сегодняшний день изучение особенностей оценки эффективности лизинговых услуг как способа финансирования инвестиционных проектов на финансовом рынке является особенно актуальным. Дальнейшее расширение возможностей лизингового механизма в увеличении объема инвестиций в модернизацию основных средств обеспечивается посредством оценки эффективности лизинговой деятельности. Поэтому целью данной статьи является разработка рекомендаций по применению методов оценки эффективности лизинговых услуг для всех участников лизинговых операций. Для достижения этой цели были проанализированы денежные потоки каждого участника лизинговой операции, возникающие при использовании кредита и лизинга как способа финансирования основных средств. Таким образом, предложена комплексная система методологических аспектов оценки эффективности лизинга при привлечении финансовых ресурсов для модернизации предприятий.

Ключевые слова: лизинг, эффективность, приток денежных средств, отток денежных средств, рентабельность лизинга, экономическая эффективность, комплексная оценка.

METHODS OF SUBJECTIVE EVALUATION THE EFFICIENCY OF LEASING SERVICES

Latipova Shakhnoza Makhmudovna,

Lecturer, «Financial and Insurance Services» Department

Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract. *The study of the features of assessing the effectiveness of leasing services as a way of financing investment projects in the financial market, in contrast to other alternative methods, is considered especially relevant. The increase in investment in the modernization of fixed assets, the further expansion of its capabilities through the leasing mechanism is ensured by evaluating the effectiveness of this activity. Therefore, the purpose of the following study is to develop recommendations on the application of methods for assessing the effectiveness of this service for all participants in a leasing operation. To achieve this goal, we analyzed the cash flows observed when using credit and leasing as a way of financing fixed assets for each participant in a leasing operation. As a result, a comprehensive system for evaluating the methodological aspects of attracting financial resources for the modernization of enterprises through leasing has been proposed.*

Keywords: *leasing, leasing efficiency, cash inflows, cash outflows, leasing profitability, economic efficiency, comprehensive assessment.*

Кириш

Лизинг хизмати ушбу хизмат иштирокчилари учун маълум бир ўзига хос хусусиятлар, яъни лизингга олувчи учун инвестицион лойиҳани амалга ошириш, лизингга берувчи учун молиявий инвестициялар ва сотувчи (ишлаб чиқарувчи) учун эса сотиш механизми сифатида майдонга чиқади. Лизингнинг мураккаб иқтисодий ва ҳуқуқий табиати лизинг шартномасининг барча иштирокчилари учун унинг самарадорлигини баҳолаш муҳимлигини англатади.

Лизинг бўйича махсус адабиётларда лизинг самарадорлигини лизинг муносабатларининг у ёки бу иштирокчиси нуқтаи назаридан баҳолаш масалаларига тўхталиб ўтилган [1]. Ушбу адабиётларда лизингнинг иқтисодий самарадорлигини комплекс баҳолашда ушбу хизмат турининг лизингга олувчи, лизингга берувчи ва сотувчи учун ўзига хос жиҳатлари ажратиб кўрсатилган.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда бошқа муқобил усуллардан фарқли равишда лизинг хизматлари самарадорлигини баҳолашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш долзарб масала бўлиб ҳисобланади. Лизинг механизми орқали асосий воситаларни модернизациялаш учун инвестициялар ҳажмини ошириш, унинг имкониятларини

янада кенгайтириш ушбу фаолиятнинг самарадорлигини баҳолаш орқали таъминланади. Бугунги замонавий маҳаллий ва хорижий илмий адабиётларда лизингнинг самарадорлигини баҳолашнинг кўплаб усул ва услублари мавжудлигини кўришимиз мумкин. Лизинг фаолиятига оид махсус интернет сайтларида ҳам капитал инвестицияларни молиялаштиришнинг муқобил вариантлари орасида лизингнинг самарадорлигини аниқлашнинг таққослама усуллари келтирилган. Шунга қарамай, фанда лизингнинг самарадорлигини аниқлаш бўйича ягона усул мавжуд эмас.

Лизинг хизмати асбоб-ускунани лизинг асосида олишга пул маблағларини инвестициялаш усули экан, унинг самарадорлигини аниқлаш учун илмий адабиётларда анъанавий тарзда инвестицияларнинг самарадорлигини таҳлил қилишда қўлланиладиган кўрсаткичлардан фойдаланилади. Жумладан, И.Э. Крыловнинг фикрича, «инвестицион лойиҳани молиялаштиришда лизингдан фойдаланиш самарадорлигининг қўшимча (таққослама) ҳисоб-китоби»ни амалга ошириш учун маълум бир формуладан фойдаланилади [2].

В.В. Ковалев инвестицион фаолият таҳлилининг мезонларини дисконтланган ва ҳисоб баҳоларига асосланган ҳолда кўриб ўтади. Муаллифнинг фикрича, инвестицион

лойиҳаларни баҳолашнинг услубий воситалари бўлиб соф келтирилган қиймат, соф жорий қиймат, инвестиция рентабеллиги индекси, инвестиция фойдаси ички меъёри, инвестицияларнинг қоплаш муддати ва ҳ.к. ҳисобланади [3].

Д.А. Ендовицкий эса инвестицион лойиҳаларни баҳолашнинг кенг услубий воситаларидан фойдаланишда NPV (лойиҳавий пул оқимларининг соф жорий қиймати) ва унга оид қоидаларга риоя қилиш лозимлигини таъкидлайди. NPVнинг базавий формуласини қўлаб, муаллиф узок муддатли инвестицияларнинг натижавийлигини, лойиҳавий пул оқимларининг жорий қиймати ва ҳ.к.ни аниқлаши мумкинлигини асослаган [4].

Бошқа бир гуруҳ олимларнинг фикрича, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари талаблари доирасида коррективировка қилинган кўрсаткичларга таяниб, молиявий лизинг операциялари самарадорлигини бошқарув таҳлили методологияси асосида аниқлаш лозим. Муаллифлар томонидан таклиф этилган бошқарув таҳлили методологияси корхоналарда ишлаб чиқариш воситаларини янгилаш мақсадида оқилон молиялаштириш манбаини танлаш ва корхона харажатларини оптималлаштириш имконини беради [1].

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, инвестицион лойиҳаларни лизингдан фойдаланиб молиялаштириш самарадорлигини миқдор ва сифат жиҳатидан баҳолаш барча усулларнинг асосини ташкил этади. Лизингни сифат

жиҳатидан баҳолаш ишлаб чиқариш самарадорлигининг мутлақ ва нисбий кўрсаткичлари ўсишини таққослашни аниқлашдан иборат. Ушбу ҳолатда, агарда лизинг ишлаб чиқариш, меҳнатни ташкил этиш ва фонд қайтими ҳажмининг ўсишига олиб келса, у иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиб ҳисобланади.

Таdqиқот методологияси


Мақоламизда лизинг хизматининг самарадорлигини лизинг операцияси жараёнида иштирок этувчи ҳар бир субъект нуқтаи назаридан кўриб ўтамиз.

Аввало, лизингнинг самарадорлигини лизинг объекти сотувчиси нуқтаи назаридан таҳлил қиламиз. Лизинг объекти сотувчисининг лизингга берувчи билан барқарор молиявий муносабатлар асосида маҳсулотни реализация қилиши унга бир қатор имкониятларни яратиб беради (1-расм).

Расмдан кўриниб турибдики, корхона айланма активларни бошқариш самарадорлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Илмий адабиётларда уни аниқлашда қўлланиладиган бир нечта кўрсаткичлар тўлиқ акс этирилган. Шу сабабли мақоламизда сотиш (реализация) нуқтаи-назардан лизингнинг самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичларни аниқлаб, уларни ҳисоблаш формулаларини келтириб ўтамиз.

Бундай кўрсаткичлар сифатида дастлаб маҳсулотни лизинг орқали реализация қилиш ҳисобида сотиш ҳажмини аниқлаймиз:

$$\Delta C_{\text{мх}} = C_{\text{мк}} \quad (1)$$



1-расм. Лизинг механизми орқали маҳсулотни сотишда сотувчида юзага келадиган имкониятлар

Бу ерда: C_{MK} – лизинг орқали реализация қилинган маҳсулот қиймати.

Лизинг орқали мулкни реализация қилиш натижасида фойданинг ошиши ΔC_{ϕ} лизингга берувчи билан тузилган шартнома доирасида мулк бўйича уни аниқлаш кетма-кетлиги асосида («Молиявий натижалар тўғрисида» ги ҳисобот, 2-сонли шакл) аниқланади.

Лизинг бўйича сотиш рентабеллиги P_c ни аниқлашда қуйидаги формуладан ифойдаланамиз:

$$i_p = (\Delta C_{\phi}) / C_{MK} \quad (2)$$

Ушбу кўрсаткич лизинг асосида берилган мулк қийматига тўғри келадиган сотиш бўйича соф фойданинг миқдорини акс эттиради.

Айланма активларнинг айланувчанлигини ошириш ΔO_{AA} қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\Delta O_{AA} = (C_{MM} + \Delta C_{MX}) / \check{Y}_{AAK} - (C_{MM}) / \check{Y}_{AAK} \quad (3)$$

Бу ерда:

C_{MM} – лизингдан фойдаланмаган ҳолда реализация қилинган маҳсулот миқдори;

$\check{Y}_{AAK}$ – давр (йил) мобайнида айланма активлар ўртача қолдиқ қиймати.

Ушбу кўрсаткич қуйидагича аниқланади:

$$\check{Y}_{AAK} = (K_{AB} + K_{AO}) / 2 \quad (4)$$

(3)-формулани қуйидаги кўринишда ҳам акс эттиришимиз мумкин:

$$\Delta O_{AA} = K_{A1} - K_{AO} \quad (5)$$

Бу ерда:

K_{AO} – лизинг асосида реализация ҳажмини эътиборга олмаган ҳолда аниқланган айланиш коэффициенти;

K_{A1} – лизинг асосида реализация ҳажмини эътиборга олган ҳолда аниқланган айланиш коэффициенти.

Айланиш коэффициенти корхона айланма активларининг ҳисобот даврида неча марта айланганлигини акс эттиради.

ΔO_{AA} коэффициенти маҳсулотни лизинг асосида қўшимча реализация қилиш натижасида ҳисобот даврида айланишлар сони (ёки улуши) қанчага ошганлигини акс эттиради.

Айланма активлар айланувчанлиги даврининг қисқариши $\Delta \Delta_{AA}$ қуйидагича аниқланади:

$$\Delta \Delta_{AA} = (365) / K_{a0} - (365) / K_{a1} \text{ (кун)} \quad (6)$$

Бу ерда:

365 – календарь йили (ҳисобот даври) даги кунлар сони.

ΔO_{AA} кўрсаткичи лизинг механизмини қўллаш натижасида айланма активлар айланиш даврининг неча кунга қисқарганлигини кўрсатиб беради.

Маҳсулот реализацияси жараёнида лизингдан фойдаланишда айланма активлар айланувчанлигини ошириш билан бирга айланма активларнинг элементи сифатида тайёр маҳсулот захирасига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Тайёр маҳсулот захирасининг айланувчанлигини ошириш ΔT_{MAO} ни қуйидаги формула орқали аниқлашимиз мумкин:

$$\Delta T_{MAO} = (C_{MM} + \Delta C_{MX}) / T_{MUK} - (C_{MM}) / T_{MUK} \quad (7)$$

$$\text{ёки } \Delta T_{MAO} = K_{MAO1} - K_{MAO0}$$

Бу ерда:

T_{MUK} – тайёр маҳсулот захирасининг ўртача қолдиқ қиймати;

K_{MAO0} – лизинг асосида реализация ҳажмини эътиборга олмаган ҳолда тайёр маҳсулот захирасининг айланиш коэффициенти;

K_{MAO1} – лизинг асосида реализация ҳажмини эътиборга олган ҳолда тайёр маҳсулот захирасининг айланиш коэффициенти.

T_{MAO} кўрсаткичи давр мобайнида тайёр маҳсулот захирасининг неча марта янгиланишини англатса, ΔT_{MAO} кўрсаткичи эса лизингни қўллаш орқали тайёр маҳсулот захирасининг қисқариши ва реализация ҳажмининг ўсиши натижасида тайёр маҳсулот захирасининг неча айланиш (ёки улуш)га ошганлигини англатади.

Шунингдек, тайёр маҳсулот захираси муддатининг қисқариши $\Delta \Delta_{MAO}$ қуйидагича аниқланади:

$$\Delta \Delta_{AA} = (365) / K_{mao0} - (365) / K_{mao1} \text{ (кун)} \quad (8)$$

Ушбу кўрсаткич тайёр маҳсулот захирасини омборда сақлаш муддатининг неча кунга қисқарганлигини англатади.

Лизингга олувчи учун лизинг лойиҳасининг кредитга нисбатан самарадорлигини баҳолаш иккала молиявий хизмат тури бўйича пул оқими элементларини таққослаш орқали амалга оширилади (2-жадвал). Бунда асо-

Лизинг фаолияти натижасида лизингга олувчининг пул оқимлари таркиби

Пул оқимлари элементлари			
Пул маблағлари кирими (+)		Пул маблағлари чиқими (-)	
Номланиши	Шартли белгиси	Номланиши	Шартли белгиси
Лизингга олинган мулкдан фойдаланган ҳолда маҳсулотни реализация қилишдан тушган тушум	$C_{рт}$	Лизингга олинган мулкдан фойдаланган ҳолда реализация қилинган маҳсулот таннархи	$C_{мт}$
Тезлаштирилган амортизациянинг солиқ имтиёзи (фойда солиғи бўйича)	$C_{фс}$	Бошқа операцион харажатлар таркибида лизинг тўловлари (ҚҚС ни ҳисобга олиб)	$C_{лт}$
Лизинг тўловлари таркибида тўланган ҚҚСни қоплаш	$C_{ққс}$	Лизингга олинган мулкдан фойдаланган ҳолда маҳсулотни реализация қилишдан тўланган фойда солиғи	$C_{рфс}$
Мол-мулк солиғининг тежалиши	$C_{кмм}$		

сий эътибор лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган жами пул тушумлари ва ҳисобот давридаги жами харажатлар эътиборга олинishi талаб этилади.

Ушбу жадвалда келтирилган пул оқимлари лизинг объектини лизингга олувчи томонидан сотиб олингунга қадар лизингга берувчи балансида ҳисобга олишга мўлжалланган лизинг схемаси доирасида кенг қўлланилади. Пул оқимлари таркибини таҳлил қилиб, қуйидаги хулосалар чиқариш мумкин:

Лизинг фаолияти асосий фаолият бўлганлиги (жорий, операцион) сабабли, пул оқимлари таркибида инвестицион ва молиявий фаолият бўйича пул кирими ва чиқими кузатилмайди.

Ишлаб чиқариш ва маҳсулот реализацияси харажатлари таркибидаги лизинг тўловлари бошқа операцион харажатлар сифатида ҳисобга олинади.

Қўшимча пул маблағлари оқими сифатида фойда солиғидан тежам, лизинг тўловлари таркибида тўланган ҚҚСнинг қопланган суммаларини келтиришимиз мумкин.

Лизинг объектини лизингга берувчи балансида ҳисобга олганда мол-мулк солиғи маҳаллий солиқ сифатида лизингга берувчи томонидан тўланади.

Юқорида келтирилган фикрларга таяниб, лизингга олувчининг жами (умумлаштирилган) самарасини қуйидагича акс эттирамыз:

$$C_{жс} = i_{фс} * C_{лт}$$

Бу ерда: $i_{фс}$ – фойда солиғи ставкаси;

$C_{лт}$ – лизинг тўловлари миқдори.

$$C_{ққс} = \sum_{i=1}^m C_{ққсi}, m = kT$$

Бу ерда:

$C_{ққсi}$ – i -тўлов таркибида ҚҚС миқдори;

m – лизинг шартномаси даврида ҳисоб-китоб даври сони;

T – лизинг шартномаси муддати;

k – бир йил давомида ҳисоб-китоб қилинадиган давр сони.

$$C_{кмм} = i_{сс} * C_{мқ'}$$

Бу ерда:

$i_{сс}$ – мол-мулк солиғи ставкаси,

$C_{мқ'}$ – лизинг шартномаси бўйича олинган мулк қиймати.

Умумий ҳолатда лизинг фаолиятидан умумий пул оқимлари пул маблағлари кирими ва чиқими сифатида қуйидагича аниқланади:

$$C_{по} = (C_{рт} + C_{фс} + C_{ққс} + C_{кмм}) - (C_{мт} + C_{лт} + C_{рфс}).$$

Лизинг шартномаси бўйича лизингга олувчида юзага келадиган пул оқимлари таркибини таҳлил қилиш унинг учун лизинг

Мулкни лизинг ёки қарз маблағлари эвазига олганда юзага келадиган пул оқимлари

Маблағлар ҳаракатининг йўналиши	Мулк олишни молиялаштириш усуллари			
	Лизинг		Кредит	
	Пул маблағлари оқими элементининг номланиши	Шартли белгиси	Пул маблағлари оқими элементининг номланиши	Шартли белгиси
Кирим (+)	Лизингга олинган мулкдан фойдаланган ҳолда маҳсулот (иш, хизмат)ни реализация қилишдан тушган тушум	$C_{арт}$	Қарз маблағлари эвазига олинган мулкдан фойдаланган маҳсулот (иш, хизмат)ни реализация қилишдан тушган тушум	$C_{крт}$
	Тезлаштирилган амортизациянинг солиқ имтиёзи (фойда солиғи бўйича)	$C_{лфс}$	Тезлаштирилган амортизациянинг солиқ имтиёзи (фойда солиғи бўйича)	$C_{крфс}$
	Лизинг тўловлари таркибида тўланган ҚҚСнинг қопланган суммалари ($C_{кқс2}$)	$C_{лққс}$	Лизинг объектини сотиб олишда тўланган ҚҚСдан тежам	$C_{кққс}$
	Мол-мулк солиғининг тежалиши	$C_{лмс}$		
Чиқим (–)	Лизингга олинган мулкдан фойдаланган ҳолда реализация қилинган маҳсулот таннари	$C_{лрх}$	Қарз маблағлари эвазига олинган мулкдан фойдаланган ҳолда реализация қилинган маҳсулот таннари	$C_{крх}$
	Бошқа операцион харажатлар таркибида лизинг тўловлари	$C_{лт}$	Қарз маблағлари эвазига олинган мулкдан фойдаланган ҳолда маҳсулотни реализация қилишдан тўланган фойда солиғи	$C_{крфс}$
	Лизингга олинган мулкдан фойдаланган ҳолда маҳсулотни реализация қилишдан тўланган фойда солиғи	$C_{лрфс}$	Кредитни қоплаш	$C_{кк}$
			Фоизларни тўлаш	$C_{кф}$
			Мол-мулк солиғи	$C_{кмм}$


ҳамда кредит муносабатларининг самарадорлигини таққослаш методикасини яратиш имкониятини юзага келтиради. Ушбу методика:

- лизинг асосида ёки қарз маблағларини жалб қилиш эвазига олинган мулкдан фойдаланиш натижасида юзага келадиган пул оқимларини таҳлил қилишни;
- пул оқимининг ҳар бир элементи бўйича

баҳолаш кетма-кетлигини ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Мулкни лизинг ёки қарз маблағлари эвазига олганда юзага келадиган пул оқимлари қуйидаги жадвалда келтирилган (3-жадвал).

Қуйида лизинг ёки кредит самарадорлигини таққослаш учун пул оқимининг ҳар бир элементи бўйича баҳолаш кетма-кетлигини келтириб ўтамиз (3-расм).



3-расм. Лизинг ва кредит лизингга олувчининг пул оқимларини таққослаш кетма-кетлиги

Ушбу расмдан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

- маҳсулот (иш, хизмат)ни реализация қилишдан тушган тушум мулкни молиялаштириш усулига боғлиқ эмас ($С_{л_{px}} = С_{к_{px}}$), шу сабабли таҳлилни деталлаштиришда пул киримининг ушбу элементини киритмаса ҳам бўлади;

- лизинг бўйича ҳам, кредит бўйича ҳам тезлаштирилган амортизациянинг солиқ имтиёзи (фойда солиғи бўйича) мавжуд. Аммо имтиёз бўйича камайтириладиган сумма турлича бўлганлиги учун ушбу кўрсаткични чуқур таҳлил қилиш лозим;


- лизинг тўловлари нафақат мулк қийматини, балки бошқа тўловлар, масалан лизинг тўловлари бўйича ҳисобланган ҚҚСни ҳам ўз ичига олиб, натижада мулк эгасига мулкни қарз маблағлари эвазига сотиб олиш-

да тўланадиган ҚҚСдан юқори миқдорда тўланади ($С_{л_{ккc}} > С_{к_{ккc}}$);

- лизинг объекти лизингга олувчи томонидан сотиб олингунга қадар лизингга берувчи балансида бўлади. Бунда лизингга олувчи мол-мулк солиғини тўламайди (кредитда эса бундай эмас);

- лизингга олинган мулкдан фойдаланган ҳолда реализация қилинган маҳсулот (иш, хизмат) таннархи қарз маблағлари эвазига олинган мулкдан фойдаланган ҳолда реализация қилинган маҳсулот (иш, хизмат) таннаридан фарқланмайди ($С_{л_{px}} = С_{к_{px}}$). Бу эса пул маблағлари чиқимини таҳлил қилишда ушбу кўрсаткичларни чиқариб ташлаш мумкинлигини англатади;

- лизингда мулк қиймати сифатида лизинг тўловлари ($С_{лт}$) эътиборга олинса, кредитда эса асосий қарз суммаси ва тўланган фоизлар



4-расм. Лизинг ва кредит усулларида пул кирими бўйича фойда солиғини аниқлашда солиққа тортиладиган базадан чегириладиган элементлар таркиби

ҳисобга олинади ($С_{кқ} + С_{кф}$). Пул оқимининг ушбу элементларини ҳам чуқур таҳлил қилиш лозим;

– маҳсулотларни реализация қилишда фойда солиғи маҳсулот ишлаб чиқарилаётган харид қилинган асбоб-ускуналарни молиялаштириш манбаларига боғлиқ эмас ($С_{л_{рфс}} = С_{к_{рфс}}$);

– мол-мулк солиғи лизингга олувчи томонидан эмас ($С_{лмм}=0$), қарздор томонидан тўланади ($С_{кмм}$).

Молиялаштиришнинг иккала вариантыда ҳам амортизация суммаси солиққа тортиладиган базадан чегирилишини ҳисобга олсак, самарадорликни баҳолаш учун фақатгина қуйидаги расмда келтирилган элементларни таҳлил қилишимиз лозим (4-расм).

Умуман олганда, кредит муносабатларидаги қарздор ва лизингга олувчининг пул оқимларини таҳлил қилиб, қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

– лизингга мол-мулк солиғининг тежалиши ҳисобига қўшимча пул кирими юзага келади, кредитда эса ушбу элемент қўшимча чиқим бўлади;

– ҚҚСни қоплаш орқали пул оқимларининг кирими кредитга нисбатан лизингга кўпроқ кузатилади;

– лизинг ҳамда кредит бўйича самарадорликни чуқур таҳлил қилиш учун фойда солиғидан тежам (пул маблағлари оқими бўйича), лизинг тўловлари, кредит миқдори ва у бўйича фоиз тўловларини қоплаш (пул маблағлари чиқими бўйича) кўрсаткичларини таққослаш мақсадга мувофиқ бўлади;

– лизингга солиққа тортиладиган фойда лизинг тўловлари миқдорига (ҚҚСсиз) камайтирилади, кредитда эса амортизация суммаси, мол-мулк солиғи ва кредит бўйича фоизлар суммасига камайтирилади.

Пул маблағлари чиқими бўйича лизинг тўловлари ($С_{лт}$), кредитни қоплаш ($С_{кқ}$) ва у бўйича фоизлар миқдори ($С_{кф}$)ни таққослаш керак (3-расм 6-банд). Лизинг тўловининг мажбурий элементи бўлиб коммиссион мукофот ($С_{км}$) ҳисобланса, қолган элементлар тўплами лизинг шартномаси асосида белгиланади. Қуйидаги 4-жадвалда лизинг тўловлари таркиби турлича бўлганда пул маблағлари кирими бўйича кредитга нисбатан лизинг сама-

4-жадвал

Лизинг тўловлари таркиби турлича бўлганда пул маблағлари кирими бўйича лизинг самарадорлигининг шартлари

№ вариант	Лизинг тўловлари таркибига кирган таққосланувчи элементлар	Лизингнинг кредитга нисбатан самарадорлиги шартлари	
		Пул маблағлари кирими бўйича	Пул маблағлари чиқими бўйича
1	Коммиссион мукофот + фойда солиғи	$С_{км} > (С_{кф} + С_{кқ})$	$С_{км} + С_{кқс} < С_{кф}$
2	Коммиссион мукофот + суғурта бадали суммаси	$(С_{км} + С_{сбм}) > (С_{кф} + С_{кқ})$	$С_{км} + С_{кқс} + С_{сбм} < С_{кф}$
3	Коммиссион мукофот + суғурта бадали суммаси + қўшимча хизматлар қиймати	$(С_{км} + С_{сбм} + С_{қх}) > (С_{кф} + С_{кқ})$	$С_{км} + С_{кқс} + С_{сбм} + С_{қх} < С_{кф}$
4	Коммиссион мукофот + лизингга олувчи томонидан олинган кредит учун фоизлар	$С_{км} > С_{кф}$	Шартлар мавжуд эмас
5	Коммиссион мукофот + лизингга олувчи томонидан олинган кредит учун фоизлар + суғурта бадали суммаси	$(С_{км} + С_{сбм}) > С_{кф}$	Шартлар мавжуд эмас
6	Коммиссион мукофот + лизингга олувчи томонидан олинган кредит учун фоизлар + суғурта бадали суммаси + қўшимча хизматлар қиймати	$(С_{км} + С_{сбм} + С_{қх}) > С_{кф}$	Шартлар мавжуд эмас

радорлигининг шартлари келтириб ўтилган.

Жадвалда келтирилган охириг учта вариантда кредит бўйича фоиз тўловлари кредитнинг лизингга олувчи ёки бошқа қарздор томонидан олинганлигига боғлиқ бўлмайди. Ушбу вариантлар кредит билан таққослаганда самарадорлиги паст деб тахмин қилинмоқда.

Лизингга олувчи учун муқобил лизинг шартномасини баҳолашда лизингнинг хусусиятларини ёритувчи кўрсаткичларни танлаб олиб, уларнинг қўлланиш доираси, бошланғич маълумотлар базасини тайёрлаш ҳамда баҳолаш кўрсаткичларининг мазмунини аниқлаши талаб этилади.

Лизинг қарорларини баҳолашда энг аввало лизинг объектидан фойдаланиш натижасида олинадиган икки хил пул оқимлари, яъни лизинг тўловлари ($\Lambda_{T1}, \Lambda_{T2}, \dots, \Lambda_{Tm}$) ва фойда миқдори ($\Phi_{M1}, \Phi_{M2}, \dots, \Phi_{Mm}$)ни кўриб чиқиш талаб этилади.

Халқаро амалиётда инвестициялар самарадорлигини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилмоқда:

- соф жорий қиймат;
- ички даромадлилик даражаси;
- инвестициялар рентабеллиги;
- инвестицияларнинг қоплаш муддати.

Ушбу кўрсаткичларни аниқлаш пул оқимларини дисконтлашга, яъни кўрсаткичлар миқдорини маълум бир давр бошига келтирилган қийматига асосланади. Лизинг лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолашда ушбу кўрсаткичлар мазмуни ва уларни аниқлаш методикасига тўхталиб ўтсак.

Лизинг лойиҳасининг ички даромадлилик даражаси r ни аниқлашда қуйидаги тенглик ўринли бўлиши талаб этилади:

$$\sum_{n=1}^m \left(\frac{\Phi_{Mi}}{(1+r)^n} \right) = \sum_{n=1}^m \left(\frac{\Lambda_{Ti}}{(1+r)^n} \right)$$

Бу ерда:

Λ_{Ti} – i даврдаги лизинг тўловлари миқдори;

Φ_{Mi} – i даврдаги соф фойда миқдори;

m – даврлар сони ($m=kT$);

$\sum_{n=1}^m \left(\frac{\Phi_{Mi}}{(1+r)^n} \right)$ – вақт омилини ҳисобга олган ҳолда лизинг муддати давомида аниқланган, яъни давр бошига келтирилган соф фойданинг умумий катталиги;

$\sum_{n=1}^m \left(\frac{\Lambda_{Ti}}{(1+r)^n} \right)$ – лизинг муддати давомида

аниқланган, яъни давр бошига келтирилган лизинг тўловларининг умумий катталиги.

Ички даромадлилик даражаси лизинг объектидан фойдаланиш асосида лизинг шартномасининг ҳар бир даврида 1 сўмлик лизинг тўловига тўғри келадиган соф фойда миқдорини англатади. Ички даромадлилик даражаси кўрсаткичини қўллаш соҳаси жуда кенг, айниқса, стратегик аҳамиятга эга бўлган, узоқ муддатли ва юқори даромад келтирадиган йирик лизинг лойиҳаларини амалга оширишда ушбу кўрсаткичдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Лизингга олувчи томонидан ички даромадлилик даражасига таянилиб, лизинг бўйича талаб этиладиган қарорлар даромадлиги бўйича тасаввур асосида лизинг лойиҳаси танлаб олиниши мумкин.

Навбатдаги кўрсаткич лизинг лойиҳаси бўйича соф жорий қиймат бўлиб, уни қуйидаги формула орқали аниқлаш мумкин:

$$NPV = \sum_{n=1}^m \left(\frac{\Phi_{Mi}}{(1+rn)^n} \right) - \sum_{n=1}^m \left(\frac{\Lambda_{Ti}}{(1+rn)^n} \right) > 0$$

Бу ерда: rn – дисконтлаш ставкаси (ишончли тижорат банклари фоиз ставкаси даражасида ёки муқобил инвестицион лойиҳалар самарадорлиги сифатида қўлланиладиган).

Соф жорий қиймат кўрсаткичи лизинг муддати давомида келтирилган даромад миқдорининг лизинг тўловларидан қанча бирликка ортиқ эканлигини англатиб, унинг қўлланилиши лойиҳа ҳажми, унинг давомийлиги ҳамда лойиҳа хусусиятлари бўйича чекловга эга бўлмайди. Шуниси диққатга молики, халқаро амалиётда соф жорий қиймат кўрсаткичи асосан ўрта бизнес вакиллари томонидан кенг қўлланилса, йирик ва кичик бизнес вакиллари томонидан лойиҳаларни баҳолашда эса чекланган даражада қўлланилади.

Лизинг лойиҳасининг рентабеллигини қуйидаги формула орқали аниқлаш мумкин:

$$R_{\text{л}} = \frac{\sum_{n=1}^m \left(\frac{\Phi_{Mi}}{(1+rn)^n} \right)}{\sum_{n=1}^m \left(\frac{\Lambda_{Ti}}{(1+rn)^n} \right)} - 1 > 0$$

Ушбу кўрсаткич лизинг объектидан фойдаланиш натижасида қўлга киритилган соф жорий фойданинг лизинг лойиҳасини амалга ошириш даврининг бошида дисконтланган лизинг тўловлари бирлигига тўғри келадиган миқдорини англатади. Агар ушбу кўрсаткич ижобий қийматга эга бўлса, лизинг-

га олувчи лизинг шартномаси муддати давомида қўлга киритган фойда ҳисобидан лизинг тўловларини қоплайди ва дисконтланган лизинг тўловларидан R_L миқдорда соф дисконтланган даромадга эга бўлади.

Лизинг лойиҳасини танлашда юқори рентабелликка эга бўлган вариантни афзал кўриш керак. Рентабеллик кўрсаткичини соф жорий қиймат билан бирга ўрта бизнес вакиллари доирасида лизинг лойиҳаларини баҳолашда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Лизинг лойиҳасининг самарадорлигини баҳолашда қўлланиладиган энг муҳим кўрсаткичлардан бири лизинг тўловларининг қоплаш муддати ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич асосан йирик капиталга эга бўлмаган ва лизингга берувчига тўланиши лозим бўлган пул маблағларини зудлик билан қайтаришга уринадиган кичик корхоналар фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Агарда қоплаш муддатини m_k деб оладиган бўлсак, унда лизинг объектидан фойдаланиш даврининг бошидан лизинг тўловлари даврининг умумий миқдори қуйидаги формула орқали аниқланади. Бунда лизинг тўловлари йиғиндиси ушбу давр мобайнида лизинг объек-

тидан фойдаланиш натижасида қўлга киритилган соф жорий қиймат билан тенглаштирилади:

$$\sum_{n=1}^{m_k} \left(\frac{\Phi M_i}{(1+r)^n} \right) = \sum_{n=1}^{m_k} \left(\frac{L T_i}{(1+r)^n} \right)$$

Қоплаш муддати қанчалик кичик бўлса, лизингга олувчи шунчалик тез муддат давомида лизингга йўналтирган маблағларини қайтариб олади.

Лизинг лойиҳалари орасидан энг мақбул вариантни танлаб олиш методикасини маълум бир кетма-кетликда акс эттиришга ҳаракат қиламиз (5-расм).


Лизингга берувчининг асосий фаолияти сифатида лизинг фаолиятининг якуний маҳсулоти бўлган лизинг хизматлари ҳисобланади. Ишлаб чиқарилаётган ҳар бир маҳсулот сингари лизинг хизматлари ҳам рентабеллиги бўйича баҳоланиши лозим.

Гарчи лизингга берувчи лизинг объектидан келажакда инвестиция қилинган капиталдан фоиз кўринишида даромад олиш мақсадини кўяр экан, унинг молиявий инвестициялари самарадорлигини баҳолаш масаласи кун тартибига чиқади.

5-жадвал

Лизингга берувчи пул оқими таркиби

Пул оқимлари элементлари			
Пул маблағлари кирими (+)		Пул маблағлари чиқими (-)	
Номланиши	Шартли белгиси	Номланиши	Шартли белгиси
Лизинг хизматларини кўрсатишдан тушган тушум (ҚҚСсиз лизинг тўловлари), шу жумладан:	$C_{\text{ЛТ}}$	Лизинг объекти қиймати (инвестиция қилинган капитал)	$C_{\text{МТ}}$
Амортизация ажратмаси	C_a	Лизинг хизматлари таннархи, шу жумладан:	$C_{\text{ЛТ}}$
Фоизлар миқдори	$C_{\text{кф}}$	Амортизация ажратмаси	C_a
Қўшимча хизматлар миқдори	$C_{\text{кх}}$	Фоизлар миқдори	$C_{\text{кф}}$
Суғурта бадали миқдори	$C_{\text{бм}}$	Қўшимча хизматлар миқдори	$C_{\text{кх}}$
Комиссион мукофот миқдори	$C_{\text{км}}$	Суғурта бадаллари миқдори	$C_{\text{бм}}$
Лизингга берувчида қўшимча пул оқими сифатида лизинг объектини сотиб олишда тўланган ҚҚСдан тежам	$C_{\text{ққс1}}$	Лизинг хизматларини реализация қилишдан олинган фойда солиғи миқдори	$C_{\text{фс}}$
Лизинг тўловлари таркибида тўланган ҚҚСни қоплаш	$C_{\text{ққс2}}$	ҚҚС	$C_{\text{ққс}}$
		Мол-мулк солиғи	$C_{\text{мс}}$



5-расм. Лизингга олувчи томонидан энг маъқул лизинг лойиҳасини танлаш кетма-кетлиги

Лизинг самарадорлигини пул оқимларига асосланиб аниқлашда лизинг хизматлари ва лизинг объектига йўналтирилган инвестицияларнинг рентабеллигини нафақат лизингга олувчи учун, балки лизингга берувчи учун ҳам пул маблағлари кирими ва чиқими таркибини баҳолаш бўйича ҳам аниқлаш лозим.

Қуйида келтирилган 5-жадвал маълумотларини таҳлил қилиб, айрим хулосалар чиқариш мумкин:

1. Лизингга берувчи учун лизинг фаолияти асосий фаолият бўлганлиги сабабли, олинган лизинг тўловлари хизматларни реализация қилишдан олинган тушум бўлиб ҳисобланади.

2. Лизинг хизматлари таннархига лизинг тўловларининг қуйидаги элементлари киритилади: амортизация миқдори (C_a), лизинг объектини сотиб олишда қарз маблағларидан фойдаланганлик учун тўланадиган фоиз миқдори (C_{kf}), лизингга олувчига кўрсатилган қўшимча хизматлар учун тўланадиган харажатлар (C_{kx}), суғурта бадаллари миқдори (C_{bm}).

3. Лизингга берувчида қўшимча пул оқими сифатида лизинг объектини сотиб олишда тўланган ҚҚСдан тежам (C_{kcs1}) ва лизинг тўловлари таркибида тўланган ҚҚСнинг қопланган суммаларини (C_{kcs2}) келтириш мумкин:

$$C_{kcs1} = i_{kcs} * C_{kq};$$

$$C_{kcs2} = i_{kcs} * (C_a + C_{kf} + C_{bm} + C_{kx} + C_{km}) = C_{kcs};$$

Бу ерда: i_{kcs} – ҚҚС ставкаси.

4. Пул маблағлари чиқимининг барча элементлари лизинг тўловлари таркибида пул маблағлари кирими таркибий қисмлари сифатида қопланади.

5. Барча элементлар бўйича пул маблағлари чиқими (лизинг объекти қийматидан ташқари C_{kq}) иложи борида чиқимлар ҳисобидан қопланади.

6. Лизинг объектининг қиймати лизинг муддатининг бошланғич даврида лизингга берувчи учун бир марталик харажат ҳисобланиб, лизинг тўловлари таркибида лизинг мулки бўйича амортизация сифатида маълум бир вақт давомида тақсимланиб қопланади:

$$\sum_{i=1}^m Cai = C_{kq} = P$$


Амалиётда маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг рентабеллигини аниқлаш услубиёти етарлича ёритилган бўлиб, у даромад ва харажатларни таққослашга таянади. Лизинг хизмати бўйича даромад ва харажатларнинг таркибини аниқлаш мақсадида пул маблағлари кирими ва чиқими элементларига мос келувчи матрицани шакллантирамиз (6-жадвал).

Лизингга берувчининг ялпи даромади пул маблағлари чиқими таркибига кирмайдиган

6-жадвал

Лизинг хизмати бўйича пул маблағлари кирими ва чиқими элементларининг ўзаро мувофиқлик матрицаси

Пул маблағлари чиқими элементлари Пул маблағлари кирими элементлари	C_a	C_{kf}	C_{kx}	C_{bm}	C_{fcs}	C_{kcs}	C_{mc}	Жами C_{at}
C_a	+							+
C_{kf}		+						+
C_{kx}			+					+
C_{bm}				+				+
C_{fcs}					X			+
C_{kcs1}					X			X
C_{kcs}						+		
Жами $C_{хар}$	+	+	+	+	X	+		X



6-расм. Лизинг хизматининг самарадорлигини баҳолаш

пул маблағлари кирими элементларидан шаклланади, яъни:

$$C_{\text{яд}} = C_{\text{км}} + C_{\text{ққс}}.$$

Лизингга берувчининг соф фойдаси:

$$C_{\text{ф}} = C_{\text{яд}} - (C_{\text{фс}} + C_{\text{мс}}) = (C_{\text{км}} + C_{\text{ққс}}) - (C_{\text{фс}} + C_{\text{мс}}).$$

Лизинг шартномаси бўйича харажатлар:

$$C_{\text{хар}} = C_{\text{а}} + C_{\text{кф}} + C_{\text{қх}} + C_{\text{бм}} + C_{\text{ққс}}$$

$$\text{Ёки } C_{\text{хар}} = C_{\text{лт}} - C_{\text{км}}.$$

Ушбу келтирилганлардан фойдаланиб, лизинг муддати давомида ушбу хизматнинг рентабеллигини ($i_{\text{рт}}$) аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$i_{\text{рт}} = \frac{\sum_{i=1}^m C_{\text{ф}} i}{\sum_{i=1}^m C_{\text{хар}} i} = \frac{\sum_{i=1}^m (C_{\text{км}} + C_{\text{ққс}}) i - (C_{\text{фс}} + C_{\text{мс}}) i}{\sum_{i=1}^m (C_{\text{лт}} i - C_{\text{км}}) i}$$

бу ерда: m – ҳисоб-китоб даврлари сони.

Рентабеллик лизинг муддати давомида лизингга берувчининг мулкка инвестиция қилинган капитал миқдори ва лизинг бўйича хизмат кўрсатиш харажатларини ўз ичига олган бир бирлик харажатида тўғри келувчи коммиссион мукофот ва ҚҚСдан тежам миқдорини англатади.

$i_{\text{рт}}$ кўрсаткичи қанчалик катта бўлса, m ҳисоб-китоблар муддати давомида лизинг лойиҳаси шунчалик самарали бўлади. Турли муддатли лизинг шартномалари бўйича лизинг хизматларининг самарадорлигини таққослаш учун ҳар бир шартнома бўйича лизинг хизматининг йиллик рентабеллигини ($i_{\text{ртйил}}$) аниқлаш лозим:

$$i_{\text{ртйил}} = i_{\text{рт}} / T,$$

бу ерда: T – шартнома муддати (йил).

$i_{\text{ртйил}}$ кўрсаткич қанчалик юқори бўлса, лизинг шартномаси шунчалик самарали бўлади.

Таҳқиқот натижалари

Жаҳон ва миллий амалиётдан маълумки, молиявий инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолаш лойиҳа бўйича олинadиган фоизли (ёки дисконтли) даромад ва инвестицияланган капитални таққослаш орқали амалга оширилади. Молиявий инвестициялардан фарқли равишда лизинг механизмида инвестицияланган капитал инвестиция муддати охирида тўлиқ қайтарилмай, муддат давомида бўлиб қайтарилади (амортизация суммаси

кўринишида). Лизинг шартномаси муддатининг охирига келиб, инвестиция қилинган капитал миқдори имкон қадар камаяди ва бунинг натижасида коммиссион мукофот кўринишидаги фоизли даромад ҳажми ҳам камайиб боради. 6-расмда лизинг хизматининг самарадорлигини баҳолаш алгоритми ифода-ланган.

Лизингнинг молиявий инвестицияларнинг воситаси сифатидаги ўзига хослиги лизинг объекти ўртача йиллик қийматидан ҳисобланадиган коммиссион мукофот сифатида аниқланишида намоён бўлади. Лизинг ва молиявий инвестицияларнинг бошқа шаклларида фоизларни ҳисоблашда иқтисодий моҳияти бўйича бир-биридан фарқланадиган кўрсаткичлардан фойдаланилиши лизинг бўйича коммиссион мукофот ставкасини муқобил молиявий инвестициялар бўйича аниқланадиган фоиз ставкалари билан таққослашда хатоликларни келтириб чиқаради.

Ана шундай қарама-қаршиликларни бар-тараф этиш учун, фикримизча, инвестицион фаолиятнинг моҳиятидан келиб чиқиб ёнда-шиш, яъни киритилган капиталдан кутилаёт-ган даромад бошқа муқобил вариантлар билан таққослаганда юқори бўлиши кераклигидан келиб чиқиш лозим. Ушбу фикрдан келиб чиқиб:

$$i_{\text{км}} * C_{\text{лўйқ}} = i_{\text{м}} * P$$

бу ерда: $i_{\text{км}}$ – лизинг лойиҳаси бўйича йил-лик коммиссон мукофот ставкаси;

$C_{\text{лўйқ}}$ – лизинг мулкнинг йиллик ўртача қиймати;

$i_{\text{м}}$ – муқобил молиявий инвестиция лойиҳалари бўйича меъёрий йиллик фоиз ставкаси (масалан, ишончли тижорат банки бўйича фоиз ставкаси).

Лизинг мулкнинг йиллик ўртача қиймати $C_{\text{лўйқ}}$ қуйидагича аниқланади:


$$C_{\text{лўйқ}} = (C_{\text{лб}} - C_{\text{ло}}) / 2$$

бу ерда: $C_{\text{лб}}$ – шартнома муддатининг бо-шида мулкнинг қолдиқ қиймати;

$C_{\text{ло}}$ – шартнома муддатининг охирида мулкнинг қолдиқ қиймати.

Шартнома муддати давомида мулк қийматининг тўлиқ қопланганида:

$C_{\text{ло}} = 0$, $C_{\text{лўйқ}} = C_{\text{лб}} / 2$ тенглик ўринли бўлади.



7-расм. Лизинг хизматининг иқтисодий самардорлигини комплекс баҳолаш

Юқорида келтирилган тенгликлардан келиб чиқиб, муқобил молиявий қуйилмалар қуйидаги кўринишга келади:

$$i_{\text{км}} * C_{\text{аб}} / 2 = i_{\text{м}} * P$$

бу ерда: $P = C_{\text{аб}}$.

Демак, лизингнинг ҳам бошқа муқобил молиявий инвестициялар сингари даромад келтириши учун коммиссион мукофот ставкаси билан меъёрий фоиз ставкаси ўртасида қуйидаги тенглик таъминланиши лозим: $i_{\text{км}} = 2i_{\text{м}}$, яъни коммиссион мукофот ставкаси бошқа молиявий инвестициялар даромадлигидан икки марта юқори бўлиши керак. 7-расмда лизинг хизматининг унинг барча иштирокчилари учун самарадорлиги келтирилган.

Хулоса ва таклифлар

Лизинг хизматининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар, шунингдек, саноат соҳасини модернизациялашга молиявий ресурсларни лизинг орқали жалб қилишнинг методологик жиҳатларини баҳолашнинг комплекс тизими таяниб, қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Лойиҳаларни молиялаштиришнинг кўп вариантлилигини эътиборга олган ҳолда стратегик қарорларни қабул қилишда тартибсизлик ва субъективликка йўл қўймаслик лозим. Бу ҳолат эса бевосита лизинг хизматларининг самарадорлигини турли усуллар орқали объектив баҳолашда намоён бўлади. Лизингнинг самарадорлигини баҳолаш усуллари замонавий иқтисодий таълимотлар қонуниятларига ҳамда лизинг хизматини амалга ошириш билан боғлиқ барча омил ва кўрсаткичларга таяниши лозим.

2. Лизинг хизматлари самарадорлигини объектив баҳолашнинг асосий омиллари сифатида баҳолаш усулларида объектив мезоннинг мавжудлигини, ҳисоб-китобларда вақт омилларини, лизинг турларини амалга оширишнинг

ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи тузатиш коэффициентларини қўллашни, халқаро лизинг бозори истиқболи ҳамда лизинг шартномасидаги барча иштирокчилар манфаатларини эътиборга олиш талаб этилади.

3. Инвестиция лойиҳаларини лизинг орқали молиялаштиришда лизингнинг самарадорлигини лизинг тўловларини ҳисоблаш усулларини ўзаро таққослаш муҳим аҳамият касб этади. Бу усулларни ўзаро таққослаш учун, аввало, лизинг тўловларининг ҳажминини даврлар бўйича солиштирма ҳолатга келтириш керак. Лизинг тўловларининг ҳажми корхонанинг молиявий-иқтисодий ҳолатига бевосита таъсир кўрсатиши ушбу мезоннинг канчалик аҳамиятли эканлигини кўрсатади. Шунингдек, корхона томонидан усулларнинг нотўғри танланиши унинг тўловга қобилиятлилигининг пасайишига олиб келади. Бу эса лизинг шартномасининг иккала томон учун ҳам салбий ҳолатини келтириб чиқаради.

4. Лизинг хизматларини амалга оширишда лизинг муносабатлари тизимининг халқаро ҳўжалик муносабатлари истиқболига таянилган таркибий-функционал таҳлилини амалга ошириш лозим.

5. Лизинг хизматларининг объективлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида унинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг асосий воситаларини янгилаш ва уларни техник қайта қуrolлантириш жараёнини жадаллаштириш бўйича ишлаб чиқилган дастурнинг комплекслигига алоҳида эътибор бериш лозим. Бунда асосий воситаларни молиялаштириш бўйича ҳар бир лойиҳани алоҳида таҳлил қилиш талаб этилади. Айнан шу ҳолат ҳўжалик юритувчи субъектларни инновацион ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқишда хатоликларга йўл қўймасликка сабаб бўлади.

Манба ва адабиётлар

1. Джуха В.М. Лизинг // Серия «Учебники, учебные пособия». – Ростов-на-Дону: Феникс, 1999.
2. Крылов Э.И. Анализ эффективности инвестиционной, инновационной, финансовой и хозяйственной деятельности предприятия: учеб. пособие. В 2 ч. Ч. 1, 2. – СПб.: ГУЭФ, 1999. – 256 с.

3. Ковалев В.В. Финансовый анализ: методы и процедуры. – М.: Финансы и статистика, 2001. – 560 с.
 4. Финансовый менеджмент: учебник. – 2-е изд., испр. и доп. / Д.А. Ендовицкий, Н.Ф.Щербакова, А.Н.Исаенко и др.; под общ. ред. д-ра экон.наук, профессора Д.А. Ендовицкого. – М.: Рид Групп, 2012. – 800с.
 5. Dmitrieva I.N., Myznikova T.N., Chernenko A.F., Shishkina A.V. Analysis of Efficiency of Financial Leasing, Journal of Accounting and Auditing: Research & Practice. Vol. 2019 (2019).
 6. <http://ibimapublishing.com/articles/JAARP/2019/430681/>.
-

Тақризчи:

Жумаева Г.Ж., иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, «Ишлаб чиқаришда бухгалтерия ҳисоби» кафедраси мудири, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти.